

Бугунги синовли давр Бота-боболаримизга хос донишмандлик, зийраклик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатликни талаб этади. Ўтган тўрт-беш ой бу борада бизга жуда катта сабоқ берди.



2

Бу мавзуда энг яхши мисол "Даймонд Принцесс" кема-сидаги ҳолат. Ундаги 3 минг 700 йўловчидан 700 тасида вирус аниқланган. Аммо, улардан 350 нафари касаллигини сезмаган ҳам.



3

Аслида ота-она, Аака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ, содиқ дўст, меҳр-муҳаббат, ҳурмат, обрў, ишонч, вафоли ёр қабиларни пулга топиб бўлмайди.



4

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил
19 август
ЧОРШАНБА
№ 52 (13313)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Конференция



5 йиллик фаолият сарҳисоби

Нурафшон шаҳридаги "Ёшлар маркази" да Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг VII ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда ташкилот томонидан сўнгги беш йилда амалга оширилган ишлар, ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилиниб, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Маълумки, меҳнаткашларга, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга қонунийликда назарда тутилган барча имтиёзлар тўлиқ берилишини таъминлаш, улар учун жамоа шартномаларида қўшимча имтиёзлар ўрнатилишига эришиш касаба уюшмаларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Жумладан, 2016 йил якунлари бўйича жамоа шартномаларида кўзда тутилган 349 минг 501 та тадбирни бажариш учун бир ходимга ўртача 2507,8 минг сўм сарфланган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич деярли 1,5 баробарга ошиб, 2,5 млн. сўмдан 3,5 млн. сўмга етди.

Касаба уюшмалари ташкилотларининг низомларида белгиланган ва асосий вазифаларидан бири бўлган аҳоли бандлигини таъминлашга қўмаклашиш, маъ- кур масалада жамоатчилик назоратини ташкил қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, барча тармоқ, ҳудудий келишувларга ва жамоа шартномаларига ёшлар ҳамда хотин-қизлар масалаларида қўшимча имтиёзлар киритилиб, уларга манзилли ёрдамлар кўрсатилишига эришилди.

Қолаверса, корхона, ташкилотларда касаначилик меҳнати ташкил этилган иш ўринлари касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан мониторингга олинган. 2018 йилда вилоятдаги 74 та корхонада 1 минг 488 та, 2019 йилнинг 10 ойи давомида 30 та корхонада 1 минг 16 нафар касаначилар билан шартномалар тузилган бўлиб, улар касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинган.

(Давоми 2-саҳифада)

ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК бугуннинг барчага тегишли муҳим талаби



Вилоят Кенгашининг сессияси

— Бугунги кунда коронавирус билан курашиш барча давлатлар олдидаги энг долзарб муаммо бўлиб турибди, — деди Сенат Раиси. — Мамлакатимизда ҳам давлатимиз раҳбари ҳамда Республика махсус комиссияси томонидан коронавирусга қарши курашиш борасида ўз вақтида кўрилган қатъий чоралар, белгилаб

олинган муҳим вазифалар, амалга оширилган тезкор тадбирлар туфайли пандемия салбий оқибатларининг олди олинди. Хабарингиз бор, шу йил 12 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан карантин талабларини босқичма-босқич юмшатиш топшириғи берилди. Аммо, бу карантин

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатда-Хги сессияси видеоконференцолақа тарзида бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳоқими ва унинг ўринбосарлари, вилоят соғлиқни сақлаш ва мактабгача таълим бошқармалари раҳбарлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, тегишли ташкилот ва муассасалар мутасаддилари иштирок этди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева масофавий (онлайн) нутқ сўзлади.



қоидаларининг буткул бекор қилинганини аниқлатмайди. Жумладан, жамоат жойларида ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш чекловлари ўз кучида қолдирилди. Шунингдек, иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳалар барқарор ишлашини таъминлаш ва бу орқали аҳолининг яшаш шароитини энгиллаштириш мақсада мувофиқлиги таъкидланди.

Сессияда кун тартибидagi масала-

ларга танқидий руҳда ёндашилди, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар атрофида таҳлил қилиниб, уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, карантин чекловлари юмшатиш бўлсада, хотиржамликка берилмаслик муҳимлиги таъкидланди. Тўй-ҳашамларни ўтказиш борасида жойлардаги раҳбарлар, маҳалла етакчилари зиммасига долзарб вазифалар юкланганлиги қайд этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ТАБИИЙ маҳсулот, гўзаллик, тозаллик

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Ўрта Чирчиқ туманидаги "BIOLINE COSMETICS" Ўзбекистон - Украина қўшма корхонаси ўтган йили қайта ташкил этилиб, тўлиқ косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Ҳозир бу ерда 130 турдан ортиқ косметика маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, шампунинг 36, суюқ совуннинг 15, тери учун фойдаланиладиган кремнинг 60 тури ҳамда соч бўёқлари тайёрланапти.

Коронавирус пандемияси бошлангандан кейин бу ерда антисептик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Корхона туман аҳлига 5 минг

дона антисептик ва суюлтирилган совун воситаларидан иборат саховат ёрдами кўрсатди. Шунингдек, Ўзбекистонда биринчи марта турли ҳашаротлар

чақишига қарши спрей ишлаб чиқариш бошланди. Илгари корхонада ушбу маҳсулот крем ҳолида ишлаб чиқариларди.

(Давоми 2-саҳифада)

Худудий секторлар фаолиятидан

Ўтган тўрт ой халқимиз ҳаётида ниҳоятда синовли давр бўлди. Карантин пайтидаги қатъий қоидаларга амал қилиш осон кечмади.

СИНОВЛИ КУНЛАР САБОҒИ



Бундай вақтларда табиийки, ижтимоий қўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган эҳтиёжманд оилалар ҳамда боқувчисини йўқотган қариялар ҳолидан хабар олиш биринчи галдаги вазифага айланди. Айни масалада Паркент тумани ички бўлими бошлиғига бириктирилган 3-сектор ҳудудида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ҳудудий ишчи гуруҳ ҳамда туман ички ишлар бўлими томонидан аҳолининг бирламчи эҳтиёжидagi товарлар — озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситалари ва табиий буюмлар нархини асоссиз ошириш ва сунъий танқислигини юзага келтириш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан зарур ва қатъий чоралар қўриб борилмоқда.

Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётган бозор ёки савдо нуқталаридан узоқ ҳудудда жойлашган маҳаллаларда мунтазам равишда кўчма савдо дўконлари ташкил қилинмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Янги ўқув йили:

Хабарингиз борми?

НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

Бу йил карантин чекловлари сабабли Олий таълимга кириш имтиҳонларининг тест синовлари 2 сентябрдан бошланиши белгиланди. Бу ҳақда давлат тест маркази директори Мажид Каримов маълум қилганди.



Тизимда бир қанча ўзгаришлар бўлмоқда: тест ва ижодий имтиҳонлар, контракт миқдори... бу ва бошқа янгиликлар хусусида куйида батафсил тўхталиб ўтамиз:

- Барча тест синовлари шаклдан қатъий назар (кундузги, кечки ёки сиртқи) очик стадионларда ўтказилади. Тест синовлари учун

- абитуриентларга 3 соат вақт берилади. Эрталабки гуруҳларда тестлар соат 8:00 да бошланиб, 11:00 да тугайди, кечки гуруҳлар эса соат 17:00 да бошланиб, 20:00 да якунланади.
- Абитуриентларга бир марталик химоя воситаларига қўшимча равишда кепкалар ҳам тарқатилади. Абитуриентлар 2 та фан-

- дан жами 60 та тест саволига жавоб топишлари керак.
- Узоқда яшайдиган абитуриентларни стадионларга элтиб қўйиш учун автобуслар ажратилиши мумкин.
- Карантин ҳудудида сақланаётган абитуриентлар қандай имтиҳон топширади?

- Агар абитуриент карантинда бўлса, тест синовларида иштирок эта олмайди.
- Агар абитуриент карантин зонада ишлаётган бўлса, тест синовларида иштирок эта олмайди. У агар касалланмаган бўлса, ё ишни, ё тест топширишни танлаши керак бўлади.

(Давоми 2-саҳифада)

Шунингдек, сессияда вилоятда аҳоли бандлигини барқарорлаштириш, ҳукумат томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўрсатилаётган моддий ёрдамлар ўз эгаларига етиб боришини узлуксиз таъминлаш

лотлари бозорлари, йирик савдо дўконлари, спорт заллари, фитнес клуб ҳамда бассейнлар ишга тушади. Бу бир томондан ҳудуд инфратузилмаси фаолиятини жаллалаштирсада, бошқа томондан муайян қийинчиликлар туғдиради.

COVID-19 инфекциясига қарши курашиш мақсадида коронавирус касаллигига гумон қилинган шахслар учун 2 минг 326 та провизор ўрин яратилган; унда ҳозир 668 нафар бемор даволанмоқда ва яна 1 минг 311 та захира ўринлари мавжуд.

Кенгашининг қарори ижросини таъминлаш мақсадида доимий комиссия аъзоларидан иборат депутатлар гуруҳи коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни амбулатор шароитда аниқлаш, ташхис қўйиш, да-

ва. – Сектор раҳбарларининг иш жараёни ўрганилганда, ҳали ечимини кутаётган айрим муаммолар мавжудлиги аниқланди. Уларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Бундан ташқари, сессияда вилоят мактабгача таълим бошқармаси тасарруфидоғи давлат ва давлат хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган ва ташкил этилаётган мактабгача таълим ташкилотларида олиб борилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишларининг натижадорлиги, шунингдек, 2018-2019 йилларда қурилиши ва таъмирланиши белгиланган мактабгача таълим ташкилотларидаги ишлар ўз вақтида бажарилмаганлиги масаласи ҳам танқидий қўриб чиқилди.

Сессия якунида вилоят ҳокими Рустам Холматов кўрсатиб ўтилган камчилик ҳамда муаммолар юзасидан секторлар раҳбарлари ва депутатларга мурожаат қилиб, бу борадаги тадбирларда янада яқдил ҳаракат қилишга чақирди.

Ўз мухбиримиз

5 йиллик фаолият сарҳисоби



Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида иш берувчилар билан ҳамкорлик натижасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва уларда жабрланганлар сони 2016 йилда 13 та бўлса, 2020 йилда 7 нафарни ташкил этиб, 6 тага камайишига эришилди.

Ходимларга муносиб иш ҳақи ва унинг ўз вақтида тўланиши касба уюшмалари ташкилотлари томонидан назоратга олинган. Хусусан, ҳозирда вилоят бўйича иш ҳақидан мuddати ўтган қарздорлик 3 млрд. 853,7 млн. сўмни ташкил этмоқда. Бу қарздорликларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар қўрилмоқда. Масалан, вилоят ҳокимлигининг ёрдами билан "Uz-Shindong Silicon" қўшма корхонасининг иш ҳақидан мuddати ўтган қарздорлигининг 706 млн. сўми бартараф этилди.

Конференцияда қўрилган масалалар юзасидан масъулларнинг маърузалари тинланиб, тегишли тақлиф-мулоҳазалар билдирилиб, муҳокама қилинди.

Тадбирда ташкилий масалалар ҳам қўрилди. Жумладан, вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раислигига Муроджон Носиров, раис ўринбосарлигига Ўткир Рашидов ва Лола Холмуминовалар сайланишди. Шунингдек, конференцияда вилоят бирлашмасининг 7 нафар тафтиш комиссияси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси қурултойига 15 нафар делегат ва 2 нафар вакил сайланди.

Тадбирда вилоят ҳокими Рустам Холматов иштирок этди.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
Тошкент ҳақиқати/
Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК

Бугуннинг барчага тегишли муҳим талаби

лозимлиги ўқтирилди. Чунки, бу борада ҳалигача салбий ҳолатлар кўзга ташланмоқда.

Сессияда сўзга чиққан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг таъкидлашича, 20 августдан бошлаб вилоятдаги мавжуд буюм ва қурилиш маҳсу-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Таъкидланганидек, вилоятда доимий рўйхатда турган фуқаролардан 5 минг 439 нафарда коронавирус касаллиги тасдиқланган бўлиб, улардан 4 минг 849 нафари ёки 89,7 фоизи соғайган ва ҳудудий умумий амалиёт шифокорлари томонидан тиббий назоратга олинган. Шунингдек, вилоятда

Бугунги кунда вилоят бўйича карантин муассасалари ҳамда шаҳар, туманларда COVID-19 касаллиги профилактикаси, касалланган фуқароларни уй шароитида даволаш жараёнида жами 12 минг 218 нафар тиббиёт ходими фаолият олиб бормоқда.

– Халқ депутатлари вилоят

волаш ва реабилитация қилиш жараёнида амалга оширилган ишларни ўрганиш юзасидан бир неча туман ҳамда шаҳарларда бўлиб, – дейди Халқ депутатлари Тошкент вилоти Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Сайёра Файзие-

Жумладан, секторимиздаги "Чотқол", "Бўстон", "Қирғизовул", "Кўличи", "Хўжа", "Сой", "Ўчок", "Нуробод", "Кунгай", "Олмазор", "Теман", "Кўёш", "Кичикўрғон", "Чинорбулоқ" ва "Қумушкон" маҳаллаларида арзонлаштирилган кўчма озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари таш-

туманда озиқ-овқат товарлари, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари барқарор сақланиб қолинди.

Синовли кунларда бир қарич бўлсада томорқаси бор инсон ундан самарали фойдаланиб, такрорий экинларни экиши фойдадан холи бўлмаслиги аниқ. Ана шу



СИНОВЛИ КУНЛАР САБОҒИ

кил этилди. Бундан ташқари, "Сой" ва "Ўчок" маҳаллаларида аҳолини мунтазам сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида тургун савдо ярмаркалари фаолияти йўлга қўйилди.

Яширишга ҳожат йўқ, кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар, ёлғиз оналар учун карантин шароитида тирикчилик ўтказиш осон бўлмади. Шу боис, карантин бошидан ҳудудимиздаги 517 та эҳтиёжманд, кам таъминланган ва ёлғиз фуқароларга 1 минг 74 маротаба кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббий ҳамда шахсий гигиена воситалари етказиб берилди. Шунингдек, 5 та кам таъминланган оилага 5 бош қорамол тарқатилди.

Бундан ташқари, туман ички ишлар бўлими бошлиғига бириктирилган сектордаги 130 нафар эҳтиёжманд оилага 500 минг сўмдан маблағ ушбу оила аъзоларининг пластик карточкаларига моддий ёрдам сифатида ўтказиб берилди.

Афсуски, сайёраимиз аҳолининг саломатлигига жиддий хавф-хатар туғдираётган коронавирус балосининг оқибатлари ҳақида жойларда олиб борилаётган тушуنтириш ишларига қарамасдан айрим фуқаролар томонидан карантин талабларини денсимаслик ҳолатлари кузатилди. Масалан, сектор ҳудудида карантин қондаларини бузган 1 минг 260 нафар фуқарога нисбатан маъмурий чоралар қўрилди.

Шу билан бирга, туман ички ишлар бўлими томонидан жойлардаги озиқ-овқат дўконлари, дорихоналар ҳамда "Паркент дехқон бозори" МЧЖ ҳудудида кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини сунъий оширмаслик юзасидан профилактик сўхбатлар ўтказилди. Натижанда,

Дилшод ГАЗИЕВ,
туман ички ишлар бўлими бошлиғи

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ТАБИИЙ маҳсулот, гўзаллик, тозаллик

Қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган гўзаллик ва саломатлик воситалари асосан Швейцария, Италия, Испания ҳамда Германия каби етакчи давлатлардан халқаро брендларнинг табиий тоза хом ашёларидан тайёрланади. Шунингдек, маҳсулотлар Италия ва Испания технологиялари асосида жаҳон андозаларига мос сифатда ҳамда экологик тоза материалларда қадоқланади. Бу сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси билан Тожикистон, Туркманистон, Қозғистон, Афғонистон ва Қирғизистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

Қўшма корхона мутахассислари чет элнинг нуфузли компаниялари билан самарали ҳамкорлик қилиш билан бирга, маҳаллийлаштириш лойиҳалари устида ҳам жиддий изланишмоқда.

– Косметик маҳсулотлар қадоқланадиган идишларнинг бир турини ўзимизда ишлаб чиқаришни бошлаш арафасидамыз, – дейди корхона раҳбари Ҳайит-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

мухаммад Ҳасанов. – Агар янги қурилма ишга туширилса, яна 10 та иш ўрни яратилиб, ишчиларимиз сони 60 тага етади.

Қўшма корхона ишчиларининг аксарияти ёшлар. Шу билан бирга, кимё фанлари бўйича олимлар ва тажрибали технологлар фаолият кўрсатаётгани маҳсулот сифати юқори бўлиши, қолаверса, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш имконини яратмоқда.

Корхона мутахассислари юртимизда ўсадиган турли доривор ва фойдали ўсимликлардан экстрактлар ишлаб чиқариш устида ҳам изланишлар олиб боришяпти. Корхонага сентябрь ойида хориждан янги дастгоҳ олиб келиш режалаштирилмоқда. Бу ускунада юртимизда етиштирилаётган табиий гўёҳлар экстракти қайта ишланиб, инсон саломатлиги учун фойдали маҳсулотлар халқ таботати ҳамда тиббиёт соҳаси учун тақдим этилади. Бу маҳсулотлар импорт ўринини босувчи ва экспортбоп ҳисобланади.

А. МУСАЕВ,
ЎЗА

Янги ўқув йили: НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

• Биринчи курслар учун ўқиш 1 октябрдан бошланиши режалаштириляпти. Иккинчи ва ундан юқори курслар сентябрдан бошлаб масофадан тахсил олишни бошлайдилар.

• Агар талабанинг контрактни тўлашга қурби етмаса, олий ўқув юрти вазиёти ўрганиб чиқади ва контрактни қоплаш чораси қўрилади. Талаба эндиликда контрактни тўлай олмаса, у ўқишдан четлатилмайди, балки курсдан-курсга қолдирилиши масаласи қўриб чиқилади. Бунда ОТМ томонидан вазиёт тўлиқ ўрганилган, қарор қабул қилинади.

• Пандемия шароитида аҳолининг тўлов қобилияти пасайиши ҳисобга олинди, фарзанди тўлов-шартнома асосида ўқийдиган оилаларга қатор энгилликлар берилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик пандемия даврида контракт нархлари борасида келиб тушган мурожаатларни инобатга олиб, Молия вазирилик билан бирга тақлифлар ишлаб чиқди. Унга кўра: 2020/21 ўқув йилида амалдаги базавий тўлов-контракт миқдори учун кундузги шаклда ўқийдиган барча талабаларга 10 фоиз чегирма берилди.

• ОТМлар томонидан етим, чин етим, ногирон бўлган талабаларга ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож, «темир дафтар» рўйхати-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



даги оилалар фарзандлари бўлган талабаларга контракт тўловларини қоплаш учун манзилли моддий ёрдам кўрсатилади. Бунда ОТМлар мавжуд маблағлари ҳисобидан талабаларнинг ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, 4 млн. сўмгача молиявий ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

• Куропли Кучлар сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ОТМларда тўлов-контракт шакли асосида ўқиётган 4 минг нафардан зиёд талабага шартнома миқдорининг 35 фоизини тўлаш орқали моддий ёрдам кўрсатилади. Ушбу моддий ёрдам бир талабага бир йилда 2,4 млн. сўмдан 3,4 млн. сўмгача миқдорни ташкил этади.

• ОТМларда таълим олиш (ўзининг, 26 ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўловларга йўналтириладиган, солиқ солиниши лозим бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадлари даромад солигидан озод қилинган бўлиб, бунда бир нафар талаба учун контракт тўлаган оилага бир йилда 770 минг сўмдан 1 млн. 177 миқдор солигидан имтиёз шаклида қайтади.

Диққат, танлов!

"ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ"

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган "ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ" анъанавий қўрик-танловини эълон қилади.

Танловга "Сен – кудрат манбаи, саодат маскани, жонжон Ўзбекистони!" деган бош гофия ўзида мужассам этган ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастури доирасида мамлакатимизни ҳар томонлама обод қилиш, унинг иқтисодий кудратини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўси ошириб бораётгани, пандемия шароитида ҳам давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлар изчил давом этаётганини ҳаётий мисоллар ва илмий асосланган таҳлиллар асосида ҳолис ва ҳақоний ёритувчи ижодий асарлар қабул қилинади.

"Энг улуг, энг азиз" анъанавий қўрик-танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика материаллари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Шунингдек, танлов доирасида Мустақиллик декларацияси қабул қилинганнинг ўттиз йиллиги муносабати билан босма ОАВ, веб-сайт, телеканал ва радиоканаллар ижодкорлари учун ҳар бир йўналиш бўйича биттадан "Энг яхши журналистик материал учун" рафатлангирувчи номинация жорий этилмоқда.

Кўрик-танловга 2019 йилнинг 15 августидан 2020 йилнинг 15 августигача бўлган даврда расман чоп этилган адабий-бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телеканалларда эфирга узтилган материаллар, намоийш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 10 сентябрга қадар қабул қилинади.

Кўрик-танлов голиблари 2020 йил сентябрь ойида тақдирланадиган ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Коронавирус пандемияси сабабли карантин қондаларидан келиб чиқиб, танловга юбориладиган ижодий ишлар онлайн шаклда қабул қилинади.

Иштирокчилар (муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот; паспорт нусхаси; манзил ва боғлиқ телефонларини илова қилган ҳолда) ўз ижодий ишларини "Энг улуг, энг азиз" қўрик-танловига ҳамда

носабати билан босма ОАВ, веб-сайт, телеканал ва радиоканаллар ижодкорлари учун ҳар бир йўналиш бўйича биттадан "Энг яхши журналистик материал учун" рафатлангирувчи номинация жорий этилмоқда.

Кўрик-танловга 2019 йилнинг 15 августидан 2020 йилнинг 15 августигача бўлган даврда расман чоп этилган адабий-бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телеканалларда эфирга узтилган материаллар, намоийш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 10 сентябрга қадар қабул қилинади.

Кўрик-танлов голиблари 2020 йил сентябрь ойида тақдирланадиган ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Коронавирус пандемияси сабабли карантин қондаларидан келиб чиқиб, танловга юбориладиган ижодий ишлар онлайн шаклда қабул қилинади.

Иштирокчилар (муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот; паспорт нусхаси; манзил ва боғлиқ телефонларини илова қилган ҳолда) ўз ижодий ишларини "Энг улуг, энг азиз" қўрик-танловига ҳамда

"Энг яхши журналистик материал учун" номинациясига деб (номинация йўналишини) кўрсатган ҳолда қуйидаги шакл ва форматларда tanlov2020@aimc.uz электрон почтасига ёки @tanlov2020 телеграм манзилига юборишлари лозим:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари, босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари pdf форматда;
- оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика материаллари ҳаволалар (ссылка) кўрсатилган ҳолда;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари JPG форматда;
- кино санъати асарлари AVI форматда google disk, yandex disk ёки бошқа виртуал ресурсларга юкланиб, ҳаволаси юборилади (мазкур ҳавола 30 кун давомида ишлаб туриши зарур);
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари mp3 ҳамда AVI форматда google disk, yandex disk ёки бошқа виртуал ресурсларга юкланиб, ҳаволаси юборилади (мазкур ҳавола 30 кун давомида ишлаб туриши зарур).

Эслатма: ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари битта китобдан, кино санъати асарлари битта тўлиқ метраж киноасардан, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимларининг материаллари, тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари учтадан кам бўлмаслиги лозим.

Қўшимча маълумот олиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг (71) 244-32-33 телефон рақамига мурожаат қилиниши мумкин.

Саломат бўлинг

Амери-калик машҳур доктор Меҳмет Ўз "facebook" саҳифасида коронавирусни жуда тушунарли қилиб таърифлади:

– Аввало шунинг таъкидлашим керак! Бу вирусдан қутулиш йўқ, ўртоқлар. Унга ҳар бири-миз истисносив чалинамиз. Лекин, қанчалик кеч юқтирсак шунча яхши. Буни сўзимнинг охирида изоҳлайман.
Айнан грипп вирусини билан бўлгани каби, келгуси йилларда бу вирус билан ҳам яшаш ўрганамиз. Ишонинг, бу аниқ! Ҳозир жорий қилинаётган карантин, таътил ва бошқа чоралар вируснинг тарқаш шиддатини суяйтириш, тиббиётнинг ночор ҳолатга тушиши-

нинг олдини олишга қаратилган.
Вирус тез тарқаган тақдирда касалхоналарнинг жонлантириш бўлими ҳам чорасиз қолади. Вирус дегани аслида қотил, шайтоний бир душман эмас. Улар ҳам худди биздек ўз қобилигида яшовчи мавжудотлардир. Одатда ҳайвондан одамга юқадилар ва ҳайвонни нобуд қилмайдилар. Чунки, ҳаётларини давом эттириш учун ўзлари ҳам тирик организмга муҳтождирлар. Асрлардан бери ҳайвон организмиде яшашга кўникканлар.



Кучайишига хизмат қилади.
Хуллас ўша гап, вирус билан яшашга одатланинг. Келгуси йиллар, балки оялар ё ҳафталап ичида вирус мутацияга учрайди, ёки баттар ваҳшийлашади. Иккинчи эҳтимол жуда паст, чунки бу вируснинг ўзига ҳам зарар. Катта эҳтимол билан вирус одамга мослашади. Оммавий вакцинация бошланганда ҳам ҳар гал вирус мутацияга учраганда вакцина ўз таъсирини йўқотверади. Худди грипп вакциналари каби. Бизни фақат аввалги йилларда юққан грипп вирусларидан ҳимоялайди, янги-ларидан эмас. Яъни, тўлиқ ҳимоя қилолмайди. Доимий тўлиқ ҳимоя эса иммун тизимимиздир.

Мутация деганимиз эса наслга алоқадор бўлиб вируслар тез кўпайиб, тез ўлганликлари сабабли, одамларда йиллар талаб қиладиган насл алмашуви уларда бир неча соатдан иборат. Улар жуда тез мутацияга киришадилар. Вақт ўтгани сайин вирус мутация натижасида юққан одамни нобуд қилмайдиган ҳолга келади. Демак, бу вирусга қанчалик кеч дуч келсак, унинг зарари шунча кам бўлади.

ВИРУС ЙЎҚОЛМАЙДИ у билан яшашга ўрганамиз

Хўш? Нега унда одамлар ўлмоқда? Сабаби, вирус билан бир-биримизни яхши танимаймиз. Вирус ҳали ҳамон ўзини ҳайвон танасида деб ўйламоқда. Ўзи ўрнашган янги муҳитнинг шароитини ҳали билмайди. Маълум муддат ўтиб, бизда унга қарши иммунитет шаклланади ва вирус ҳам давомли яшаш учун мутацияга учрайди. Шу зайдда бирга яшашга кўникамиз.

Масалан, "Herpes labialis" номи вирусни эшитганмисиз? Бу дунёда энг кўп тарқалган вирус бўлиб, ўла ўлгунча организмда яшайди. Бу вирус нима қилади, дейсизми? Лабимизга учуқ тоширади, шу ҳолос. Одамни ўлдирмайди. Чунки, одам ўлса у ҳам ўлади. Дунё бўйича йилига ярим миллиард одам гриппга чалинади. Шунингдек, одамзот билан яшашга кўниккан тонна вирус мавжуд. Коронавирус билан ҳам яшашга одатланамиз. Индаллоси шуки, юқорида айтганимдек, ҳаммамиз бу вирусга чалинамиз. Ҳатто, кўпчилик чалиниб ҳам улгургану,

ҳали ўзи билмайди. Тузалиб ҳам бўлгандир. Организми вирус билан яшашга аллақачон кўниккан ёки вирус у танада ҳаёт тополмай бошқа танага ўтган.
Бу мавзуда энг яхши мисол "Даймонд Принцесс" кемаси. Ундаги 3 минг 700 йўловчидан 700 тасида вирус аниқланган. Аммо, улардан 350 нафари касаллигини сезмаган ҳам. Ёши кексалигига қарамай ётоққа тушмай яшамоқда.
Нега бундай? Сабаби, ўша 350 кишининг иммунитетини жуда кучли. Яъни, бу касалликда энг муҳим жиҳат бу – иммунитет. Орамизда

иммун тизими кучли бўлганлар, спорт билан шуғулланганлар, тўғри овқатланганлар, чекмайдиганлар бу касалликни умуман сезмайдилар. Балки енгил шамоллаш каби ўтказиб яшайверадилар.

Нима қилиш керак?

Аввало тана қуввати. Спорт ва ҳаракат. Кейин тўғри овқатланиш. Хусусан, мева-сабзавотлар, саримсоқ, қатик, кўк чой ва ҳоказо. "С" витаминига бой табиий маҳсулотлар. Шулар ёрдамида пандемия давридан эсон-омон ўтиш мумкин. Бу тавсиялар айнан иммунитетнинг



СУЗИШ ЗАВҚЛИ, АММО

Сув ҳавзаларида инсонларнинг чўкиши билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, вилоят Фавкулда вазиятлар бошқармаси ташаббуси билан Ички ишлар, Миллий гвардия ҳамда Санитария-эпидемиология осойишталик маркази ходимлари билан ҳамкорликда мунтазам рейдлар ўтказиб келинмоқда.

Эҳтиёт шарт!

Ёзининг жазирама кунларида кўплаб одамлар дам олиш вақтларини салқин жойларда ўтказишни, сув ҳавзаларида чўмилишни хўш кўришади. Тўғри, сувда сузиш инсон саломатлиги учун фойдалани. Лекин, баъзан чўмилиш учун хавфли бўлган сув ҳавзалари – каналлар, дарёлар, анҳорлар яқинига чўмилишни тақиқловчи белгилар ўрнатилган бўлсада, айрим кимсалар уларга амал қилмай, ўз жонларини хатарга қўядилар. Ахир, сув остида қаттиқ жисملар, оқим хавфли бўлиши мумкин. Бунинг оқибатида қанчадан қанча одамлар шикастланиб, ҳатто, ўлим билан тугаган ҳолатлар, афсуски, учраб турибди...



Мазкур рейдлар давомида тақиқланган жойларда чўмилган фўқаролар билан профилактик суҳбатлар олиб борилади, бундай сув ҳавзаларида чўмилиш оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ноҳуш вазиятлар юзасидан тушунчалар берилмоқда. Шу билан бирга – хавфли бўлган сув ҳавзалари яқинига чўмилишни тақиқловчи белгилар ўрнатилаяпти.

таъминлаш мақсадида жами 200 нафар ходим жалб қилинган. Жорий йилнинг 7 ойи давомида вилоятда жами 22 нафар фўқаро чўмилиш қоидаларига риоя қилмай, ўз эҳтиётсизликлари натижасида чўкиб кетган. Афсуски, уларнинг 8 нафари ўсмирлардир. Мавсум бошидан бери вилоят Фавкулдада вазиятлар бошқармаси кутқарувчилари томонидан 4 нафар фўқаро кутқариб қолинган.
Фотима МАНСУРОВА

Ижтимоий Эълон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 июлдаги 344-Ф-сонли фармойишига асосан Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, "Саксонота" маҳалла фўқаролар йиғини худудида 39,0 гектар ер майдонида барча турдаги туристик хизматларни кўрсатишга мўлжалланган замонавий туристик мажмуа ҳамда 10 гектар майдонда кўп тармоқли хизматлар ва сервис кўрсатиш, жумладан, логистика хизматларини кўрсатишга мўлжалланган замонавий марказ ташкил этиш назарда тутилган лойиҳаларни амалга оширилиши тўғрисидаги таклифга розилик берилган.

Объектларни барпо этиш учун талабгор тадбиркорлик субъектлари – инвесторлар улар томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни саралаб олиш орқали танлангани, бунда асосий мезон сифатида (тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми) ва ижтимоий мажбуриятлар (яратиладиган иш ўринлари сон) борасидаги салоҳият ҳисобланади;
объектлар ер ажратилгандан сўнг икки йил мобайнида барпо этилиб, фойдаланишга топширилиши ҳамда ўн беш йил давомида таклифда кўрсатилган фаолият турини сақлаб қолиши шарт;
энг яхши таклиф асосида ғолиб бўлган тадбиркорлик субъекти – инвесторга ер ажратиш вилоят ҳокимлиги қарорига асосан танлов якунлангандан кейин ўн кун муддат ичида амалга оширилиши;

Танловда қатнашиш учун ҳужжатлар Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлигининг 4-хонасида объектларни барпо этиш учун талабгор тадбиркорлик субъектлари – инвесторлар томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни саралаб олиш бўйича Танлов комиссияси котиби Обиджон Салимов (тел рақами 90-991-35-07)га топширилади.
Танловда иштирок этиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги биносининг 4-хонасига бевосита келиб ёки почта (хабардор қилган ҳолда бюуртма хати) орқали танловга қўйилган ер участкаси худудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестиция бюуртманомасини икки нусхада, муҳрланган конвертларда 2020 йил 31 август соат 10.00 га қадар тақдим этиши лозим.
Эълонда кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг танловда қатнашиш бўйича келган инвестиция

бюуртманомалари кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.
Талабгор тақдим этиши лозим бўлган зарур ҳужжатлар рўйхати:
таклиф этилаётган инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси; инвесторнинг охириг уч йил (мавжуд бўлганда) давомидаги молиявий-ҳўжалик фаолияти тўғрисида маълумот; талабгорнинг кўрсатилган соҳада иш тақрибаси ҳақида маълумот.
Бунда тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси билан тасдиқлангани лозим.
Талабгор тақдим этилаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончилиги учун жавоб беради. Инвестиция бюуртманомалари солинган конвертлар Танлов комиссияси ишчи органи томонидан 2020 йил 31 август соат 11.00 да Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлигининг катта мажлислар залида очилади.
Танлов комиссияси

ГИДРОПОНИКА МЎЪЖИЗАЛАРИ

Кейинги йилларда дастурхонимизда турли рангдаги – қора, сариқ, лимонранг помидорлар пайдо бўлди. Ажабланарлиси, тупроқсиз, махсус жиҳозланган шароитда сувда эритилган озуқа моддалари ёрдамида етиштирилаётган бу помидорларнинг кўриниши ҳам, мазаси ҳам одатдагидан бошқача.



– 50 сотиқлик иссиқхонада хорижий давлатлардан келтирилган ўндан ортиқ черри помидорларининг навларини ўрганаёмиз, – дейди Тошкент давлат аграр университети илмий ходими Собир Эгамбердиев. – Тадқиқотларимизда қайси нав бизнинг минтақа шароитига мос келиши борасида селекция изланишларини олиб бораёмиз. Қайси нав иссиқликка чидам-

ли, меваларидаги қанд миқдори, палакларнинг банд, пастигини ўрганамиз. Айни вақтда берида 10 минг дон черри помидорлари кўчати парваришланмоқда.
Иқтисодий самардорлигини айтадиган бўлсак, черри помидорлари маҳаллий тур помидорларимиздан 4-5 минг сумга қимматроқ. Шунинг учун ўндан яхши даромад олиш мумкин. Жаҳон бозорига ҳам черриларга талаб юқори.
Ўз муҳбиримиз

